

Уялмасанг, хоҳлаганингни қил!



07:00 / 10.01.2019 5071

Қаънабийнинг Басрадаги бир ўғли айтади: «Отам ичкилик ичиб, ёмонларга шерик бўлиб юрарди. Бир куни шерикларини чақириб, эшик олдида уларни кутиб ўтирди. Шу пайт эшигини миниб Шўъба ўтиб қолди. Отам унинг ортидан югуриб кетаётган одамларда унинг кимлигини сўради. «У Шўъба», дейишди. «У нима иш қилади?» деган эди, «муҳаддис», деган жавобни олди. Отам қизил изор кийиб олган эди. Шўъбанинг олдига бориб, «Менга ҳадис айт», деди. У: «Сен ҳадис аҳлидан эмассан, сенга ҳадис айтаманми?» деган эди, отам пичоғини чиқариб, «Ҳадис айтасанми ё сени жароҳатлайми?» деб дағдаға қилди. Шўъба деди: «Мансур бизга ҳадис айтди, у Рубъийдан эшитган, у Абу Масъуддан эшитган: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар уялмасанг, хоҳлаганингни қил»**, дедилар (Бухорий ривоят қилган).

Отам бу гапни эшитиб, пичоғини ташлаб, уйга қайтди. Уйга кириб барча идишлардаги шаробни тўкиб ташлади. Онасига: «Ҳозир шерикларим келади. Уларни уйга киритиб, емак беринг. Овқатни ейишса, шаробни нима қилганимни айт, шунда кетишади», деди. Шундан сўнг отам Мадинага кетди. У ерда Молик ибн Анасга шогирд тушиб, у зотдан кўп ҳадис эшитди. Кейин Басрага қайтиб келди. Келганида Шўъба вафот этганди. Шу тариқа отам Шўъбадан ёмон йўлдан қайтишига сабаб бўлган мазкур ҳадисдан бошқа ҳадис эшита олмади».

«Солиҳлар гулшани» китобидан